

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
“ОИЛА” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

ОТА – ОИЛА УСТУНИ

Оилада отанинг фарзандлар тарбиясига
таъсири ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар
психологияси

(Илмий-услубий қўлланма)

“TASVIR NASHRIYOT UYI”
Тошкент – 2019

УЎК 173.5-055.52

КБК 88.5

Т 29

Д.Ташмухамедова, Б. Умаров

“Ота - оила устуну” Оилада отанинг фарзандлар тарбиясига таъсири ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар психологияси: Илмий-услубий қўлланма. – Тошкент: “Tasvir nashriyot uyi”, 2019, – 36 б.

Тақризчилар:

Замира Нишонова – психология фанлари доктори, профессор

Феруза Акрамова – психология фанлари номзоди, доцент

Отанинг оила тинчлиги, осойишталиги, фаравонлиги ва баҳтиёр ҳаётидаги ўрни, оталик бурчи ва мажбуриятлари, фарзандлар тарбиясидаги масъулияти, ота ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар хақида илмий асосланган маълумотлар ва тавсиялар ушбу қўлланмада жамланган.

Услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўми-тазимидаги мутахассислар, маҳалла фуқаролар йигинлари хузуридаги комиссиялар аъзолари, “Ота-оналар университети” ходимлари ва ота-оналар учун мўлжалланган.

Мазкур илмий-услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Илмий-услубий кенгашининг 2018 йил 14 сентябрдаги 4-сонли йигилиш баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Ота – оиланинг устуни, чинакам ва енгилмас қўрғони. Оила қўргонининг пойдевори ота тарбияси билан мустаҳкамланади.

Бола тарбиясида онанинг ўрни бекиёслиги ҳаммамизга аён ҳақиқатдир. Лекин тарбия жараёнида отанинг ўрни ҳам алоҳида экани ҳаётда ва фанда аллақачон исботланиб, қайта-қайта эътироф этилган. Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари қўйидаги ҳикматли мисраларни бежиз битмаган:

*Боини фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига.
Тун-кунингга айлагали нур фоши,
Бирисин ой англа, бирисин қуёши.*

Бизнинг тасаввуримизда онанинг тарбияси гўё юмшоқлик ва кўнгилчанлиқдан иборатдек бўлиб туюлади. Она боласини қаттиқроқ койиб, унга озор бергиси келмайди. Она танбеҳини гўё пахтага ўраб айтади. Отанинг тарбиясида эса жиддийлик, талабчанлик, меҳр билан бирга андак қаҳр ҳам бор. Оилада ким талабчан бўлса, бола кўпроқ ундан хайиқади. Унинг йўл-йўриклирига амал қиласи. Шунинг учун ҳам оталар бизга кўпроқ жиддийлик тимсоли ва одобнинг юксак намунаси бўлиб кўринадилар.

Баъзан Фарбга, “оммавий маданият”га тақлидан енгил-елпи, очиқ-сочиқ кийиниб юрган қизларимизни, келинларимизни, соқол-мўйловига яқин орада устара тегмаган, беўхшов кийинган йигитларни кўриб, ўғил-қизининг ор-номусига соқчи, посбон бўлган қаттиққўл ва талабчан оталар қани, дея ҳайқиргимиз келади. Баъзан пана-панада тўда бўлиб тамаки тутатаётган болаларни (афуски, баъзан ёш қизлар ҳам учрайди) кўриб, уларни тергаб турадиган оталари қаердайкин, деб надомат қиласиз.

Айрим эркаклар уйда ўтириб бола боқади. Аёли эса шаҳар-ма-шаҳар кезиб, савдо қилиб пул топади. Бундай оилада эр-хотининг измидан чиқолмай, унинг кўзларига караб кун кўради. Болалар олдида отанинг қадр-қіммати йўқ. Мана шундай ҳолатлар отанинг оиладаги ўрнини, мавқенини тушириб юбормаяптими?! Бундай оталар

фарзандларига, айникса, ўғилларига қандай ибрат бўла оладилар?!

Биз мазкур кўлланмамизда ота тарбиясидек катта мавзунинг айрим мухим кирраларига тўхталиб, отанинг оиласидаги кадр-киммати, улуғлиги, буюк ва заҳматкаш тарбиячи эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Ота тарбиясида бебаҳо ҳикмат кўп. Ана шу ҳикмат дурданаларидан баҳраманд бўлиб, ундан куч-қудрат олиб, бу ҳикматлар самарааси ўлароқ, комил инсон бўлишга интилиб яшайлик!

ОТАНИНГ ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Дунёда бир хил фикрлайдиган, бир хил дунёкарашга эга инсон учрамайди. Аллоҳнинг қудратини қарангки, одамзодни бармоқ учларигача бетакрор этиб яратган. Табиийки, уларнинг яшаш тарзи ва феъл-атвори ҳам бир-бирини тақрорламайди. Шунинг учун ҳам бир-бирини рад этадиган қарашлар, тушунчалар азал-азалдан мавжуд ва бундан кейин ҳам улар ўртасидаги зиддиятлар давом этади. Аммо ҳаммага аён бир ҳақиқат доимо мавжуд ва барча бамаъни одамлар шу ҳақиқат йўлидан оғишмасликка ҳаракат қиласидилар. Бу Аллоҳ таоло бандаларига буюрган ҳақиқат йўлидир. Ҳалоллик ва адолат билан яшаш, комилликка интилиш, олижаноб фазилатларга ундаш каби тамойилларни ўзида мужассам этган бу ҳақ йўлининг буюклиги шундаки, ҳатто аксарият динсизлар, шаккоклар ҳам алал оқибат беихтиёр шу йўлнинг бир ирмоқларини излаб қоладилар.

Орамизда юксак маънавият эгалари ҳалол, пок, доимо эзгу мақсадлар билан яшайдилар. Аммо шундай инсонлар ҳам борки, ҳалол ризқ, адолат ва инсоғ каби тушунчалар борлиги ҳақида йўлаб ҳам кўрмайдилар. Бунинг устига, ўзларини дунёнинг тиргагидек ҳис этиб, ўзларини ҳар ишга қодир деб ҳисоблайдилар. Бундай ҳолатларни кўриб турган эзгу ниятдаги инсонларда иккиланиш, шубҳа каби туйғулар пайдо бўлиши мумкин. Ота – боболаримиз доимо бизни ҳақ йўлга ундар эканлар, қаноат, сабр-тоқат, матонат каби хислатларни ҳам шакллантиришга бежиз уринмаганлар. Айнан шу фазилатлар инсонни ножоиз йўллардан асрайди. Нопок йўллар билан бекаму кўст яшаётган, гўёки ҳеч қандай муаммоси йўқ, ўзини ҳар ишга қодир деб ҳисоблайдиган, шунга қарамай завол кўрмайтган шахсларни кўрганда уларга ҳавас ёки ҳасад эмас, балки ачиниш билан қараб, бунинг муқаррар жавоби бор эканлигини англаб, керак бўлса уларни тўғри йўлга унданб яшашга куч баҳш этади.

Антропологлар фикрича, одамзод ҳозирги қиёфасига ўн минг йиллар олдин келган экан. Шундан бери унинг нафақат шакл-ша-

мойили, балки феъли, турмуш тарзи, эътиқоди, фикрлаш тарзи ҳам ўзгариб келмоқда. Аммо бир нарса эзгуликка ишонч ва унга интилиш, қандай күринишда намоён бўлишидан қатъий назар, ўзгаришсиз кечмокда. Иймони бут, ҳалол инсонларни жамиятнинг ҳақиқий тиргаги, ундаги тинчлик-хотиржамликнинг асосчилари дейиш мумкин. Ҳалол ризқ, инсоф, адолат каби тушунчаларни қалбимизга жо қилиб, фарзандларимизга шу туйғуларни сингдириш барчамизга руҳий хотиржамликни баҳш этади, қолаверса, бу нафақат оиласиз, балки жамиятимиз, давлатимиз келажагини ҳам белгилаб беради. Болани бир қуш деб тасаввур қилсан, унинг бир қаноти ота-она бўлса, иккинчи қаноти жамоатчиликдир. Икки қанот бирдамликда бир томонга харакат қилса, парвоз баланд, марра яқин бўлиши аниқ. Истиқболимиз, тараққиётимиз кўп жиҳатдан шу нарсага боғлиқдир.

Оила тарбиясининг миллат учун фойдаси бекиёс бўлади. Оила – мактаб, лицей, коллеж, институт, университет каби тарбия ма sklarnining энг биринчиси ва давомлиси. Косиб ёмон пойабзал чиқарса, кишига маълум вақт моддий зарар келтиради. Оиладаги педагогик “Ишлаб чиқариш”да “нуқсонга”га йўл кўйилса-чи? Билимсиз, малакасиз, ўз жигилдони йўлида миллат, давлат, ватандошлиари манфаатлари устидан бемалол босиб ўтувчи нобакор йигит-қизлар чиқиб, жамият орасига сингиб кетса, нима бўлади? Демак, нуқсонлар ичida энг ёмони – педагогик нуқсон, десак хато бўлмайди. Чунки кундалик истеъмол моллари сифатсиз бўлса, уларни сошиб, бошқасига ўзгартирса бўлади. Лекин инсон маънавиятсиз ва маърифатсиз бўлса, гояси, нияти бузук бўлса, бу – ўзининг ҳам, миллатининг ҳам шўридид.

Ер бузилса фермер, бола бузилса – ота-она уялади. Агар яхши фазилат экиб, парвариш қилинмаса, ёмон сифатлар унади. Фарзанд кўриб қаровсиз қолдирсангиз, у фидойи, ватанпарвар бўлмайди, аксинча гиёҳванд, жиноятчи, ё риёкор ҳизбчи бўлиши мумкин. Чунки, ёмон сифатлар (худди ёвойи экинлар каби) парваришга муҳтоҷ эмас. Ёвойи экинларни таг-томири билан юлиб ташлаш мумкин, лекин одамнинг “ёвойиси”ни барибир тарбиялаш, тўғри йўлга солиш тақозо этилади. Ундан воз кечиб бўлмайди. Чунки, у барибир кимнингдир дилбанди, шу жамият аъзоси. Бефарқлик эса инсониятга бегона.

Матндаги “ўргатиш” сўзига бежиз урғу бермадик. Ўргатиш – жуда қийин, одамнинг тинкасини қуритувчи, лекин аниқ иш. Болага бир нарсани ўргатиш у билан якка-якка ишлашни, демак, кўп вақт, меҳнат, эътибор ва ҳафсалани талаб қиласиди. Ҳар бир ишнинг натижасини кўриб, кузатиб, текшириш, баҳолаш мумкин ва зарур, шу жумладан, ватанпарварликни ҳам.

Агарда биз болаларимиздан ватанпарварликни күтсак, бу си-фатни уларнинг кундалик ҳаётида ёшига мос намуналарга асосла-ниб бошқача ёндашишимиз, Президентимиз ифодалаганидек, болаларимизга “Ватанпарварликни ўргатиш керак”. Уни ҳар бир кишининг ҳаётий аъмолига айлантира билиш керак. Улар Ватанни қалб амри билан сева олсинлар.

Афсус, биз баъзи ҳолларда болаларимизга ватанпарварлик ҳақида гапиришни, ватанпарварлик рухида тарбиялаш деб ўйла-япмиз. Тўғри, ватанпарварлик ҳақида ривоятлар айтиш орқали унинг мазмун-моҳиятини англашиб керак. Лекин бу ватанпарварлик тарбияси тушунчасини тўлиқ ифодаламайди.

Ҳозир болаларга таъсир кўрсатаётган тарбиявий омиллар бун-дан 30-70 йил олдингиларидан мутлақо фарқ қиласди. Муаммо-нинг ечими – ўргатишга амал қилишада. Яъни, ёшларимизни фидо-йиликка, ватанпарварликка, тадбиркорликка, миллатпарварликка, садоқатга ўргатиш йўлга кўйилиши керак. Қолаверса, Ислом таъли-моти ҳам одам яхши, ё ёмон бўлиб туғилмаслигини эътироф этади. Ҳамма гап тарбиянинг йўналтирувчанлик мазмунида, оила муҳити-нинг глобаллашув замони билан уйғунлашувидадир. Демак, ёш ўз-бекистонликларни дунёнинг энг ўтқир, фаол, уддабурон, ватанпар-вар ёшларига айлантириш, ё айлантираслиқ, биринчи навбатда, ота-оналарга боғлиқ. Биз уларни энг сўнгти билимлар билан курол-лантироққа ҳаракат қиласмиш. Билим масаллиқ бўлса, фазилат – олов. Оловсиз овқат пишмаганидек, ёниқ қалб, ирова, рух куч-ли бўлмаса, бор билимни ҳам рўёбга чиқариб, ундан фойдаланиб бўлмайди. Ёшларимизда ҳозирги кунларда қандай инсоний сифат-лар етакчилик қилмоқда, деган саволга холис жавоб олмок керак. Бундай ўзига хос ташхис бизни қаерда, нимага, нега эътиборни ку-чайтиришимиз кераклигини, устувор фазилатлар ҳолатини кўрса-тиб беради. “Фидокорлик ҳақида гапириш” – “Фидокорликка ўрга-тиш” билан алмашади.

Биз болаларимизни “Эртага Ватан сизнинг кўлларингизда бўлади. Сизни алдашга, мулкингизни эгаллашга ҳаракат қилишади. Ана шунда Ўзбекистонни химоя кила оласизми, озод, обод, фаро-вон демократик Ватанни биздан ҳам обод, озод қила оласизми? Ёки ожиз, ғамгин, муте оломон бўласизми?” – деган миллий ориятни, миллий бурчни шахсий бурчга айлантирувчи саволларни бериб тар-биялашимиз керак.

Халқимиз орасида кўп ишлатиладиган “Ҳаммаси яхши”, “Яхши бўлади” деб овунтириш бегамликни ўстиради. Бегамлик эса лоқайд-ликнинг онасидир. Машхур мақолни эслайлик: “Машқ қанча қийин

бўлса, жангда шунчалик осон бўлади”. Биз ана шу тамойилга амал қилишимиз керак. Чунки ҳар қандай муаммони ечиб, енгигб ўтишга тайёрланган дадил ёшлар баҳтли бўладилар. Биз уларни огоҳлантирган муаммо, кийинчиликларга хаётларида дуч келмасалар, янада баҳтиёр бўлишади. Бизни эслашади, биз уларга яратиб берган баҳтли хаёт қадрига етадилар.

Зеро, бугун ҳар бир ота ва она ўз фарзандига XIX-XX аср ўзбеклари бошидан кечирган, кўплаб кўргуликларга сабаб бўлган салбий ҳолатлар мерос сифатида қолмаслигини истайди. Улар XXI аср болалари кийиниши, тил билиши, компьютерда Интернетта чиқа олиши билан бирга тиник, эркин фикрлаши, ўзини озод, эркин тутишни хоҳлайди. “Давр шитоби тез, парвози тикка” деб бежиз айтмаган шоир. Ҳар бир даврнинг ўз даҳолари, алломалари, фидойилари етишиб чиқмоги лозим. Бу замон талабидир.

Ўзбек болалари немис, рус, инглиз, араб, грузин тенгдошлиридан нималари билан фарқланади ё ўхшайди? Ўғил-қизларимиз сертавозе, тортинчоқ, уятчан, “қараб турайчи, бошқалар нима қиларкин” қабилидаги тутумга мойил. Фикр тиник, мустақил бўлса, одамнинг гапи ҳам, тутуми, иши, хатти-ҳаракати ҳам ишончли, дадил, тиник, тушунарли бўлади.

Биз бу ўринда нега фарзандларимиз уятчан, тортинчоқлиги ҳақида ҳам фикр юритсак. Агар нотўғри, ножоиз сўзни билмасдан айтиб қўйса, хатога йўл қўйса, бола уни тушунгач, уяди, хижолат торгади. Бу – тушунарли. Лекин “Сиз ўз келажагингизни қандай тасаввур қиласиз?” деган саволга жавоб беришда уялиш, тортиниш, андиша бўлмаслиги керак.

Ҳар қандай фазилат ҳаддан ошса, иллатга айланади: тавозе – лаганбардорликка, андиша – қўрқоқликка, ибо – мутеликка, меҳмондўстлик – мустамлакаликка, уялиш – журъатсизликка тортади одамни. Абдулла Қодирий ўз вақтида айтган эдики, бизнинг фельимиизда бизни мустамлака қилган нуқсонлар кўп. Биз шу нуқсонлардан имкон қадар ўзимизни ҳам, фарзандларимизни ҳам халос қилишимиз керак. 2035-2050 йиллардаги миллат келажаги ҳозир қурилаяпти. Барча миллатлар болалари каби бизнинг ёшларимиз ҳам пок, росттўй, самимийдир. Баъзан у бирор ҳато қилиб, ростини айтса, уни уришамиз. Масалан, у: “Ойи, пиёла қўлимдан тушиб, синди, – дейди. Шунда биз уни яна уришамиз, ҳатто урамиз. У аста-секин тўғрисини айтса, тутилишини, айтмаса, кутилишини билиб олади. Ёлғон гапирса – кутилади, рост гапирса – жазоланади. Аста-аста бола ёлғон гапириб кутилиш, мақтов эшитишга, қилган ишига бир оз қўшиб айтишга, кейин эса қилмаганини қилдим, дейишга ўрганади.

Бир-икки яхши чиққач, у “Яхши бола” ролини тобора яхши ўйнай боради. Ўсмир бўлади, ўспирин, йигит, ходим, амалдор бўлади. Бу кулаги “рол”ини ташламайди. Натижада биз ўзимиз билмаган ҳолда жамиятга нокобил фарзанд етиштириб берамиз. Шу туфайли ҳам иллатнинг илдизини қаердан излашни билишимиз керак.

Айни вақтда оиласаримизда болаларимизнинг суюгини қаттиқ, мусқулини чайир, иродасини метин, ақлини олмос қилувчи жасорат тарбиясини ҳам кун тартибига қўйиш керак. Айрим ёшларимизнинг жоҳил ақидапарастлар домига тушиб қолишининг бош сабаблари – уларни авраётган даъватчининг олдида қўйдек ювош бўлиб туравергани эмасми? Даъватчининг жоҳил кўзларига тик қараб, омбурдек қудратли кўллари билан “Қани, юрчи!”, – деб уни қўпчиликнинг олдига олиб чиқиб, фош қила олмаганлиги ожизлиги, журъатсизлиги эмасми?!

Гуручнинг ичидаги курмаги қанча кўп бўлса, унинг баҳоси шунча паст бўлади. Қайси ҳалқнинг ичидаги лоқайд, бефарқ, бокиманда кўп бўлса, унинг шашти ҳам шунга мос бўлади. Худога шукрки, яхшиларимизнинг саъй-ҳаракатлари, шарофати билан лоқайд, бокиманда жигарларимиз камайиб, огоҳ, тадбиркор, ўткир ватандошларимиз сони тобора ортиб бормоқда.

Шарқона тарбия анъаналари фарзанд тарбияси, айниқса, ўғил бола тарбиясида асосий тарбиячи сифатида отани кўради, чунки меҳрибон ва ҳокисор бўлган оналар кўнгилчанлик қилиб болаларни эркалатиб юборишлари мумкин. Ўзбек ҳалқнинг тарбия борасидаги анъаналари болаларни эркатой қилиб тарбиялашни қоралайди.¹

Оиласада отанинг ҳаллоллиги, ростгўйлиги, адолати, тадбиркорлиги, бола тарбиясида қаттиққўллиги эса бу оиласада тартиб-интизом мезонидир. Оиласи моддий томондан таъминлай олмайдиган эркакларнинг хотини, фарзандлари, ҳатто қайнота-қайнонаси олдида ҳам обрў-эътибори паст бўлади. Хотиннинг топар-тутарманлиги баъзи оиласавий масалаларда унинг “овози” баланд бўлишига сабаб бўлади. Лекин оиласи моддий барқарор қиласман деб, турли ёмон йўлларга кирган аёллар ҳам онда-сонда бўлса-да учраб туради. Бундай аёл эр шаънини топтаб, муқаддас оиласа ҳиёнат, фарзандлар бoshини эса ҳам қиласи, авлод-аждодларига иснод келтиради. Шунинг учун оиласанинг моддий таъминоти эркак зиммасида бўлмоғи зарур.

Оила бокаётган отани кўрган ўғил келгусида ўзи мустақил оила тебратишга, ота топиб келган нарсаларни саранжом-саришта қилиб, тежаб сарфлаётган онани кўрган қиз эса келгусида бир оиласи аёл

¹ Измаилов А.Э. Народная педагогика: педагогические воззрения народов Средней Азии и Казахстана. М., 1991. С. 39

сифатида баҳтли қилишгә тайёр бўлиб борадилар. Отадаги ишибилармонлик, тадбиркорлик, муомала маданияти, босиқлик, талабчанлик, кўп хунарлилик, ҳалоллик, адолатпарварлик, оиласига, хотининг нисбатан садоқат шу оиласда ўсаётган фарзанд учун ҳаёт мактаби, намуна мактаби бўлади. Оиласда онанинг роли отаникidan кам эмас. Халқимиз “Эркак киши – бош, хотин киши – бўйин” деб бежиз айтмаган.

Ота-онанинг биргалиқдаги ўзаро муҳаббати асосига курилган оиласи муқаддас сақлаш, унинг моддий ва маънавий барқарорлигини таъминлашда ҳамкор ва ҳамфикр бўлиш асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Оиласдаги маънавий соглом муҳитни яратиш ҳам ота, ҳам онага боғлиқ. Доимо бир-бирини тушуниш ва эъзозлаш, бир-бирига ишонч, меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш, фарзанд тарбиясида бир хилда масъуллик ота-онанинг оила олдидаги бурчидир.

Баъзан ишсиз юрган эркакларимиздан “Ҳаёт қийинлашиб кетаяпти, иш топиш қийин бўляпти, тирикчиликни ўтказиб бўлмаяпти” деган нолинишларни эшишиб қоламиз. Уларни кузатар эканмиз, ўzlари ҳаракатсиз эканликларини, бирон ишни уddyalай олмаётганларини кўрамиз. Бундай фуқароларимизнинг кўпчилиги муқаддам давлатнинг корхона ва ташкилотларида бир маромда ишлаб, кўнишиб қолганлар. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитига келиб, ўzlарининг иш ўрнини яратишга уларнинг қобилиятлари етмаяпти, уddyalай олмаяптилар. Тўғри, иш ўрни яратиш учун ҳам манинг ҳам иқтисодий шароити тўғри келавермайди, аммо бу фазилатларимизнинг айрим шакллари катталар учун ёшларни мустақил меҳнат фаолиятига тайёрлашда ўзига хос ноқулайликлар туғдириб, уларнинг бокимандалик касалига чалинишига ҳам сабаб бўлмоқда. Оиласда болалар учун ота-она томонидан кўрсатиладиган ортиқча ғамхўрлик, меҳрибонлик, ҳамма нарсани олдиндан муҳайё қилишга интилиш, ҳар доим асосий қийинчиликни ўз зиммасига олиш, асосий эътиборни панд-насиҳатга қаратиш, кўнгилчанлик каби ҳолатлар кўпинча бунга сабаб бўлади.

Халқимиз азал-азалдан оиласи муқаддас даргоҳ деб билган. Шу боис, уни қадрлайди, меҳр ва муҳаббат билан эъзозлайди. Оила жамиятнинг дастлабки муҳим бўғини сифатида мустаҳкам курилиши, никоҳга кирувчилар ота ёки она бўлишнинг юксак масъулият эканлигини англашлари лозим. Чунки оиласи фаровонлиги жамият фаровонлиги ва равнациини таъминлайди. Оиласи фаровонлиги эса оила курувчиларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигига, рўзгор ва фарзанд тарбияси борасидаги масъулиятни бирдай ҳис қилишларига бевосита боғлиқдир.

Зеро, ҳар бир фуқаро оиланинг жамиятдаги ўрни ва вазифасини, Ватаннинг останадан бошланишини тушунмасдан туриб, ўзини мұккаммал инсон деб ҳис қила олмайды. Боланинг комил инсон бўлиб шаклланишида оиласидаги мұхитнинг роли бекиёсdir. Фарзанд кўриш ва унга тарбия бериш ҳар бир инсон учун буюк баҳтдир, уларсиз ҳаётнинг маъноси йўқ. Лекин бу нарса ота-онага жуда катта масъулият юклайдики, унинг уддасидан чиқмоқ ҳар бир ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарзdir. Юсуф Хос Ҳожиб оиласидаги тарбияни, бола ахлоқий тараккиётининг асоси, деб ҳисоблаган: “Агар боланинг хулки ёмон бўлса, бунда боланинг айби йўқ, ҳамма айб – отасида”. Шунинг учун ҳам ота-она, айниқса, ота бунга катта эътибор бермоғи лозим.

Оиласидаги мұхит бу ота-оналарнинг ва катта ёшдаги кишиларнинг ҳар томонлама олиб борган тарбиявий иши натижалари, оила аъзоларининг ўзаро юксак ахлоқий муносабатлари йигиндици ва катталарнинг ижобий таъсир кўрсатиш намунаси натижасидir. Мұхитни қандай яратилиши асосан ота-онанинг психологиясига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда биз, энг аввало, оила бошлиғи бўлган отанинг бола тарбиясидаги ролини таҳлил қилишни ўринли деб билдиқ.

Психологик тадқиқотларга кўра, ота-онанинг ўзаро ижобий муносабатлари оиласидаги тарбиявий тотувликнинг ижтимоий-психологик асосидir. Чunksi, аҳил оиласидаги ота-онанинг фарзандларига меҳр кўрсатиши ва кўллаб-куvvатлаши уларнинг маънавий, ҳиссий, жисмоний жиҳатдан улгайишига олиб келади.

Оиласада фарзанд тарбияси кўп ҳолларда она гарданига юкланади. Бу мутлақо тўғри эмас. Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, болалар, айниқса, ўғил бола ота тарбиясига жуда мұхтожидир. Шунинг учун оталар ўз болаларига алоҳида вақт ажратишлари ҳамда фарзандлари билан қизикарли сухбатлар қуришлари мақсадга мувофиқдир.

Отанинг фарзанд тарбиясидаги таъсири ва ўрни мұхим эканлигини тасдиқлаб бериш учун ушбу ривоятни келтиришни лозим деб топдик.

“Бир вақтлар давлатманд, доно одамнинг қизи илмли-одобли йигитга узатилибди. Күёв одобли бўлганлиги учун қайнота томонидан жуда севикли күёв бўлибди.

Қизнинг укалари атрофидагиларнинг таъсириданми ёки ёшлиқ қилибми, оталари поччаларини бунчалик яхши кўришига гайр қила бошлабдилар.

Бир кун ўғилларидан бири акасига:

– Акажон, отам ҳадеб “Күёвим, күёвим” дегани деган. Ҳам-

ма вакт поччамиз уйға келганды түртли шириң овқатлар қилинади. Отам “Күёвим – ундаи, күёв – бундай” деб мақтасыдан тинмайды. Күёвлари шунчалар яхшими? – дебди.

Бу гаплардан хабар топган ота:

– Эй, менинг ақлы тұлышмаган ўғилгинам, күёвимни нега яхши құришимни биласанми? – дебди. – У сен билан менинг номусимизни құриқлады. Қызимизни, фарзандимизни, болажонимизни ҳимоя қиласы. Аслида мен қызимни ҳимоя этишим керак, лекин ҳозыр у ҳимоя қиласыпты. Мен уни яхши күрмай кимни яхши күрай? Қызимизни жұда яхши күрганым учун күёвимни ҳам жұда яхши күраман. Күёвимни сөвии қызимни сөвии демакдир. Агар қызимга күёвим қарамаса, мен қарашиб керак бўлади. Севикли ўғилларим, кўзим нурлари, аёл, она, қиз оиласынг номусидир. Номусни сақлаш, қўриқлаш мард эркакларнинг ишидир. Мана номус нималигини сизларга ўргатдим. Мен қандай бўлсам, сиз ҳам шундай бўласиз. Онангиз сизнинг номусингиздир. Мен ўлсам, поччангизга бир гап бўлса, опангизга сиз қарайсиз, унинг номусини сиз қўриқлайсиз. Шундай экан, менинг айтганимга қулоқ солиб, поччангизга меҳр ва ҳурмат кўрсатасиз, – деб насиҳат қилибди.

Шариатда қизини турмушга чиқариб, ундан алоқасини узган ота ҳақиқий ота ҳисобланмаган. Ҳақиқий ота қиз фарзандини ҳам астойдил тарбиялайды, ҳам турмушга беради, ҳам кейинчалик унга меҳрибонлигини кўрсатиб туради. Фарзанди, авлоди қадр-қимматини билмаган, авлодига муҳаббати бўлмаган, авлодини ёмон йўлдан қайтармаган, тўғри йўлга бошламаган ота ҳақиқий, чин мусулмон эмас, дейилади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатади-ки, оиласа ўз ролини тўла бажара олмаган отанинг ўғли келажакда нафақат оила бошқаришида, балки тўла-тўқис йигит киши бўлиб етишишида ҳам айрим муаммолар мавжуд бўлади. Улар улғайгач, ҳар сафар ҳаётий муаммоларга дуч келганды, яна ўша ҳис-туйғу гирдобига тушаверади ва ўша жароҳатлар уларни қийнайверади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, оиласа оталарнинг йўқлиги болаларнинг мактабда ёмон ўқиши, рухий бекарорлиги ва гиёхвандликка мойиллигининг сабабларидан бири экан.

Шахс сифатида шаклланиш жараёни, айниқса, ўғил болалар учун мураккабдир. Чунки улар, аввало, физиологик жиҳатдан она-ларидан ажралишлари, сўнг оталари билан муносабатларни ўрнатишлари лозим бўлади. Айрим оталар эса айнан шу жараёнда ўз ўғиллари билан муносабатни рад этадилар. Бундай шароитда қолган бола онасига мурожаат қилишни ор билиб, ўзининг ҳис-ҳаяжонла-

ри ва муаммолари билан ёлғиз қолади. Бундай болалар вояга етгач, бошқалар билан ўз ҳиссий кечинмаларини ўртоқлашмайды. Улар камгап, аламзада, жуда жizzаки бўлади, аламидан осонгина но-мақбул йўлларга кириб кетади.

Боланинг гиёхвандликка берилиб кетишдан сақлашда отанинг роли мухимdir. Чет эл олимларининг кузатишларича, ўз отаси билан жуда яқин бўлган болалар, одатда, ичкиликбозлик ва гиёхвандликка деярли берилмас экан. Аммо нотўлиқ оиласда тарбияланадиган болаларнинг 33 фойиздан зиёди ичкиликбозлик ва гиёхвандлик кўча-сига жуда эрта кирганликлари маълум бўлган.

Психолог олимларнинг фикрларига кўра, ўз оталари билан яқин бўлмаган болалардаги муаммолар ўсмири ёшида намоён бўлмаган тақдирда ҳам, улар психологиясида узоқ йиллар мудраб ётиши, кейинчалик газак олиши ҳам мумкин экан. Буни олимлар “Ўйкудаги муаммо” ёки “Мудроқли эффект” деб атайдилар.

Бунга ҳаётимиздан жуда кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Онасининг орзуласини рўёбга чиқараётган бинойидек йигит кутилмаганда қаттиқ бетоб бўлиб қолади ёки айб ишга қўл уради. Бу ота ўзи билмаган ҳолда бола онгига муҳрлаб кетган муаммонинг натижасидир. Шунинг учун оиласда ота фарзандларига эътиборли бўлиши, интизомни назорат қилиши, ҳар қандай муаммонинг адодлатли ечимини топиши, лидерлик, яъни бошқарувчанлик ролини ўз ўрнида бажариши лозим.

Маълум бўлишича, оиласда умуман ота ўзига хос раҳнамо ролини ўтайди. “Ота рози – худо рози” деган фикр бежиз айтилмаган. Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҳар қандай болани ўз отасига нисбатан эътиқоди жуда юксак бўлади. Қачонки, бу юксак ишонч ва эътиқодга путур етказилганда бола психологиясида кучли бўрон вужудга келади. Натижада, унинг руҳиятида ҳаётдан норозилик, қасоскорлик, жizzакилик, аламзадалик каби салбий хусусиятлар пайдо бўла бошлайди. Ўсмирлардаги бу иллатлар уларни ўз уйидан чиқиб кетишига ва жинойи ишларга кўл уришига олиб келади.

Шунинг учун ҳам биз оталарга қуйидагича мурожаат қиламиз. Юксак хурматга сазовор бўлган азиз оталар! Ўз оиласига ва ўз фарзандингизга яқинроқ бўлинг! Айниқса, авлодингиз фахри ўғилларингизни бошларини эгманг! Аксинча, уларни эркин, довюрак, мард, мағрур қилиб тарбияланг!. Улар нафакат сизнинг, балки, миллатнинг, Ватаннинг фахридир. Агар сиз ўз меҳрингизни-қаҳрингиз, эзгулик ва кўнгилчанликни-қаттиқкўллигинги билан биргаликда олиб борсангиз, мақсадга мувофиқ иш бўлади. Шунингдек, улар билан самимий муносабатда бўлишингиз ва ишончини қозонишингиз

даркор. Шундагина, сиз – оталар ўз ўғилларингизга ижобий таъсирингизни ўтказа олишингиз ва фарзандингизни ўзингиз истагандай комил инсон қиёфасида кўриш баҳтига мушарраф бўлишингиз мумкин.

Шу ўринда, қадимги юонон файласуфи С.Диогеннинг “Оталар билан болалар бир-бирларидан розилик кутиб ўтирасдан, зарур нарсаларни олдиндан бир-бирларига беришлари лозим, лекин бу ишни биринчи бўлиб ота қилиши керак”, – деган фикрини эслашимиз айни муддаодир. Эрамиздан тахминан 404-323 йиллар олдин яшаб ўтган донишманд томонидан айтилган бу фикрда кучли психологияк мулоҳаза мавжуд бўлиб, оталик бурчини бажариш муаммоли ҳозирги кунга келиб эмас, балки доимо долзарб муаммо бўлганинг англашади.

Ҳақиқатан ҳам ота тарбия жараёнини болани едириб-ичиришдан иборат, деб тушунмаслиги лозим. Оталар ўз фарзандларини, энг аввало, одамлар қаторига қўшмоғи, жамиятнинг фаол аъзосига ва давлатнинг ишончли фуқаросига айлантиромоғи зарур. Дарҳақиқат, яхши оталарсиз яхши тарбия бўлмайди. Тарбияда яхши ўқитувчини янада яхшироқ ўқитувчи билан алмаштириш мумкин. Аммо ёмон отани, яхши ота билан алмаштириб бўлмайди. Отанинг тарбия бобидаги ўрни улкан аҳамиятга моликдир.

Ҳар бир ота-она фарзандлари сиймосида ўз ҳаётининг давомчиларини, ўзи бошлаган ишни охирига етказадиган ворисларни, ўзининг чинакам меросхўрларини кўрмоғи лозим. Ўзлари эгаллай олмаган чўққиларни фарзандлари эгаллашини кўриш – оталарнинг асосий мақсад ва мотивларига айланиши зарур.

ОТАНИНГ ЎҒИЛ БОЛА ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

“Оилада болаларни шундай тарбия этмоқ лозимки, уларнинг баҳтга бўлган интилишлари ҳеч қаҷон ҳазон бўлмасин, сўнмасин, балки кўкарсин”, – деган эди Фитрат. Ҳа, албатта, тарбия инсон ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Бола аксарият вақтини онаси билан ўтказгани учун айримларда тарбияга кўпроқ оналарнинг вазифаси сифатида қараш муносабати шаклланган. Ота-чи? Фарзанд тарбиясида, айниқса, ўғил бола тарбиясида оталарнинг ўрни қай даражада муҳим? Ёки инсоннинг комил шахс бўлиб вояга етишида она тарбиясининг ўзи етарлим? Ота оилани тебратиш учун уни моддий, иқтисодий томондан таъминласа бўлдими? Йўқ, албатта. Мутахассисларнинг фикрига кўра, аёллар ва эркаклар дунёкараши бир-биридан тубдан фарқланар экан. Ўғил бола тарбияси билан кўпроқ ота шуғулланиши лозим. Чунки ўғил бола, уму-

ман фарзанд тарбиясида отанинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Эркак – уйнинг кўргони, ҳар қандай яхши-ёмон кунларда оила-нинг балогардони ҳисобланади. Оилада бирор-бир муаммо бўлса, оила аъзолари унга суюнишади. Шунинг учун ўғил бола тарбиясида отанинг ўрни бекиёс бўлиб, унинг зиммасига бир қанча масъулият юклайди. Гарчи, чақалоқ она билан кўпроқ мулоқотда бўлса-да, уларнинг максадга мувофиқ муносабатини таъминлаб турувчи асосий вазифани оталар бажарадилар. Она дилбандига ғамхўрлик қилганидек, ота зиммасида фарзанди ва фарзандининг онасига ғамхўрлик қилиш масъулияти туради.

Инсонга ота-оналиқ масъулияти фарзанд туғилмасдан аввал тушади. Ўғил болада эркаклик (маскулинлик), йигитликка хос жиҳатлар ота тимсоли орқали шаклланиб боради. Ота фарзандининг гўдаклигиданоқ унинг ҳаётида ўз ўрнини топа билиши лозим. Зеро, бола ҳаётида энг дастлаб, илк бора идрок этиладиган эркак киши бу – унинг отаси. Болалар табиатан жуда кузатувчан бўладилар. Кичкинтой ҳар қандай муносабатнинг нечоғлик самимий ёки юзаки эканини тезда фаҳмлайди. Шунинг учун бола билан муносабатда сунъийлик, ясамалик, асабийлик ёки эътиборсизликка йўл кўймаган маъкул. Эътибор берилса, фарзанд бироз катта бўлгач, боқча ёшига кирганда отаси ёки онаси ишдан келиши билан уларнинг дикқатини тортишга уринади. Албатта, у катталардан бирор-бир нарсани болаларча эркалик билан сўрайди ёки арз қиласди. Ишдан қанчалик чарчаб, асаби бузилиб, дикқати ошиб келган бўлса-да, ота-она унинг бу хатти-ҳаракатларини ўринисиз харҳашага йўймаслиги лозим. Шак-шубҳасиз, унинг бу илтимосларини адо этиш, гўдакнинг дунёни билиш, мулоқотга бўлган эҳтиёжини қондириш (бу эса энг муҳим эҳтиёжлар сирасига киради), энг аввало, ота-она зиммасидадир. Унинг тинимсиз ёғиладиган саволларига доимо жавоб беришга ҳаракат қилиш, лозим нарсаларни тушунтириш, севимили ўйинини бирга ўйнаш зарур. Шундагина фарзанднинг комил шахс сифатида шаклланиши, унинг ҳарактерида ижобий фазилатлар таркиб топишига эришиш мумкин. Акс ҳолда, ота-бола умр бўйи бир-бирини кўрганда, гапи тугаб, сухбати қовушмай, бегонадай яшаб ўтиш эҳтимоли юқори бўлади. Фақат истак, хоҳиш билан фарзандимиз биз хоҳлаган инсонга айланиб қолмайди. Ўғил болани мард, жасур, қатъий қилиб тарбиялаш унга нисбатан доимо қаттиқўл бўлиш керак, дегани эмас. Ўғил бола ҳам қиз бола сингари меҳр ва эътиборга муҳтоҷ бўлади. Болага нисбатан ўта талабчан бўлиш ҳам тавсия этилмайди. “Сен – ўғил боласан, қилишинг керак!”

Бу каби гаплар боланинг индивидуал-психологик хусусиятларидан

келиб чиқиб, унда ўзига нисбатан ишончсизликни ривожлантириши мүмкін. Ота-она боланинг ақлий ва жисмоний машгулот турлары билан шуғулланишига эътибор қаратиши лозим.

Ота бош бўлган оиласарда тарбияланган болаларда отадан ижобий маънодаги ҳайқищ, уни ҳурмат қилиш ҳисси шаклланган бўлади. Мана шу нарса уни “чилизган чизик”дан нарига ўтишидан, ҳаётимиизда қабул қилинган турли ижтимоий меъёрларни бузишидан ва ўз навбатида, турли ижтимоий санкцияларга дучор бўлишидан саклаб туради. Айрим оиласардаги оталар фарзандларига бирор масалада ибрат бўла олмайдилар. Бундай оталар бола тарбияси билан умуман шуғулланмайдилар, оиласа ҳамма нарса аёл кишининг зиммасига юкланди. Масалан, ишдан кела солиб аганаб ётадиган, кино кўришдан ҳеч бўшамайдиган ёки кунда маст ҳолда келиб, турли томошаларни кўрсатадиган ёхуд чойхона-ю ошхонадан бери келмайдиган эркак ўз боласига нимани ўргатарди?! Фарзандларини бўлар-бўлмасга жеркийдиган, ўғилларининг кўнглини вайрон киладиган, синдирадиган, ўзидан узоқлаштирадиган оталар ҳам учрайди. Ва оқибат бундай тарбия ва муҳитда улғайган ўғил, минг афсуски, кўп ҳолларда ё қиз бола феъл, ё ўта қўпол инсон бўлиб етишади.

Турмуш ўртоги бўла туриб, рўзғордаги эркак қиладиган ишларни доим ўзи бажарадиган аёлнинг ўғли нимани кўриб ўсаяпти, у қандай тарбия жараёнида катта бўляяпти? Деразасининг синган кўзи анчадан бери кўйилмаётган, уйи ўн йилдан бери оқланмаган, ҳовлисини тикан босиб кетган ёки водопровод жўмраги бир йилдан бери бузилиб ётган эркакнинг оиласида яхши тарбияли ўғил вояга етадими? Ахир, эрта-индин “Куш уясида кўрганини қиласи”-ку! “Отангизга ўхшанг, ота ўғил бўлинг” деб оналар кимни фаҳр билан кўрсатишади??!

Ҳаётда кўпинча она қиз бола учун, ота эса ўғил бола учун устоз, мураббийдир. Оиласа ўғил бола тарбияси мураккаб ва узок давом этадиган ўзига хос жараён бўлиб, у фарзанд туғилмасидан олдин бошланиши керак. Яъни бўлажак ота-онанинг саломатлиги, насл-насаби, дунёкараши, ички ва ташқи дунёси, ахлоқ-одоби, турмуш куришга маънавий ва жисмоний тайёрлиги келажакда фарзанд тарбияси учун муҳим аҳамиятга эгадир. Ўғил бола тарбиясида оиласининг ҳар бир аъзоси, қўни-қўшни, маҳалла, таълим муассасаси, жамоатчилик бирдек масъулдир. Бу тизимда эса отанинг ўрни энг устувордир, десак хато бўлмайди. Чунки ўғил отадан атрофдагиларга, табиат ва жамиятга нисбатан муносабат, юриш-туриш, муомала, ўзини тутишни ўрганади, ундан ўрнак олади. Ота фарзандига

акл-заковати, мумаласи, кийиниши, маданияти, қатыяни, меңнат-севарлиги, рўзгор, хўжалик юритищдаги омилкорлиги, одиллиги, илмпарварлиги, оиласига содиқлиги, аёлига муҳаббати ва ҳоказо жиҳатлар билан намуна бўймоғи зарур. Бола характеристида у ёки бу салбий иллатлар шаклланишида ота-онанинг ўзаро жанжаллари, оиласига, жамиятга, атроф-муҳитга нисбатан ноўрин муносабатлари, юриш-туриши, маънавияти, ахлоқи, уй-рўзгор тутумидаги пала- partiшлиги, албатта, ўз таъсирини кўрсатади. Ота-онанинг бир-бирига нисбатан юксак ахлоқий муносабатини кўрган, ундан намуна олган ўғил бола келгусида оила қурганда, ўз турмуш ўртоғи билан шундай яшашга тайёр бўлиб боради.

Шарқона оила тарбиясида ота ва ўғил орасидаги муносабат энг гўзал тарзда йўлга кўйилганлигини таъкидлаш жоиздир. Масалан, ота дастурхон атрофида ўтирган бўлса, ўғилнинг отадан олдин дастурхонга кўл чўзмаслигининг ўзиёқ халқимизда отага нисбатан хурмат, эҳтиром ҳисси болалар онгига ёшлиқдан сингдириб борилишини кўрсатади. Ёки ота ва қиз муносабатини олайлик. Бунда ҳам Ғарб – Европа оилаларида умуман учрамайдиган, шарқона одоб, андиша замирида шаклланган хулк-автор намуналарини (*қизга совчи келса, отанинг ўз фикрини қизига онаси орқали айтиши, қиз бола турмушга чиқаётганида ота оқ фотиҳа бершии ва ҳоказо*) кузатишмиз мумкин.

Ота-оналар фарзандлари ва айнан ўғил бола тарбиясига ниҳоятда эҳтиёт бўлиб ёндашишлари лозим. Боланинг хатти-харакатида озигина нохуш ҳолат, салбий ўзгариш сезилдими, дарҳол бунинг сабабини ўрганиш керак. Бундай ҳолатларда ота-она ва фарзанднинг мунтазам мулокотда бўлиб туриши, керак бўлса, малакали психологлар кўмагидан фойдаланиш яхши самара беради.

Ўғил боланинг маънавияти бузилишига, кўп ҳолларда ота-она-нинг оиласида бир-бирига ёмон муносабати сабаб бўлади. Баъзан эса таълим муассасаларида болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларга бефарқ караймиз. Масалан, ҳозир ҳар бир ўқувчи, айниқса шахар ёшларининг қўлида уяли телефонни кўриш мумкин. Телефоннинг зарур матоҳлигини инкор қилмаймиз, ота-она назорат қилиши учун фарзандига уяли телефон олиб беришини тушунамиз. Бироқ мактаб ўқувчилари телефоннинг асосий вазифаси қолиб кетиб, ундан бутунлай бошқа мақсадларда ҳам фойдаланишмоқдаки, бу барчамизни хушёр бўлишга ундаиди.

Бундан ташқари, баъзи ота-оналар ўйлаб ўтирамай боласига меъёридан ортиқ пул берадилар, пулни нимага ишлатгани ҳакида умуман сўрамайдилар. Ҳозирги кунда кўпайган интернет клублар

фаолияти түгрисида кўп гапириляпти. Улардан фарзандларимиз ўз билим даражаларини оширишлари, турли фанларга доир янгиликлардан хабардор бўлиш мақсадида тўғри фойдалансалар, буни фақат олқишлиш керак. Лекин кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, улар асосан турли хил компьютер ўйинларини ўйнаш ва жангари киноларни томоша қилиш учун мазкур клубларга кирмокдалар.

Ўғил бола тарбиясида отанинг энг муҳим вазифаларидан яна бири уни оиласа тайёрлаш масаласидир. Оила мустаҳкамлигига таъсир киладиган омиллар бир талай бўлиб, уларни бир сухбат доирасида тўла қамраб олиш анча мушкул. Айтайлик, бола таълим олиб, дурустгина қасб эгаси, яхши мутахассис бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу унинг мустақил оила тебратишни ҳам бемалол уddyалай олади, дегани эмас. Фарзанднинг ҳақиқий оила бошқаришга қодир ёки қодир эмаслиги эса фақатгина у оила куриб, маълум вақт ўтгандан сўнггина билинади. Оилани мустақил бошқара олмаётган, уни моддий ва маънавий жиҳатдан тўлиқ таъминлай олмаётган йигит эса бу юқдан тезроқ воз кечиш, масъулиятдан кутулиш пайига тушади. Айни ҳолларда у энг номақбул қарор – ажрашишни ихтиёр қилиши мумкин. Ана шунинг учун ҳам ажрашиш ҳозирги кундаги муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Шунинг учун, юқорида таъкидланганидек, оталаримиз ўғил болаларига оила бошлигининг хулк-атвори қандай бўлиши хусусида намуна бўлмоқлари лозим. Оила ва никоҳ муносабатларининг нақадар муқаддаслигини болалар онгига ёшлиқдан сингдириб бориш керак.

Боланинг отаси ўз рафиқасига қандай муносабатда бўлса, ўғил ҳам вояга етиб, оила қургач, одатда, турмуш ўртоғига, отаси онасига килган сингари муносабатда бўлади. Халқимизда: “Куш уясида кўрганини қилади” деб айтилган ҳикмат бор. Агар оилада эр аёлнинг ҳурматини жойига қўйса, ўзгалар ва фарзандлари олдида камсит-маса, бундай оилада тарбия топган йигит ҳам оила қурганида худди отаси каби йўл тутади.

ОТАНИНГ ФАРЗАНДЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Жамиятдаги ўзгаришлар, унинг ажралмас бир қисми бўлмиш оила ва оилавий муносабатларга ҳам таъсир этмасдан қолмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда содир бўлаётган иқтисодий-ижтимоий ва маданий ўзгаришларнинг халқ миллий рухияти негизи бўлмиш оилавий муносабатларда акс этишини тадқиқ ва муҳокама этиш муҳим масаладир.

Оилавий муносабатлар тизими жуда мураккаб ва анча теран

мазмунга эга бўлиб, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, ака-ука ва опа-сингиллар ўртасидаги ва бошқа шу каби қатор муносабатлар тизимини ўз ичига олади.

Оилада бола нафақат ўзига макон топади, балки одамлар, тенг-курлар, умуман, инсонлар билан муносабатга киришишни ўрганади, катталар кўзи билан дунёни, ҳаётни англайди.

Фарзанднинг атрофдаги инсонларга муносабати, дунёга қай кўз билан қарави унинг ҳаётидаги биринчи ва асосий мураббийлари бўлмиш ота-онага боғлиқдир. Оилада ўрнатилган ўзаро муносабатлардаги аҳиллик, тотувлик, ҳар доим бир-бирини қўллаб-қувватлаб туриш нохуш ҳолатларнинг олдини олади.

Ота-она фарзандининг ўшига хос феъл-авторидаги шахс хусусиятларини яхши билиши, унинг ички кечинмалари ва қизиқишлари билан ўртоқлашиши зарур. Чунки ўсмирлик даври инсон ҳаётида жуда мураккаб давр бўлиб, бу ўнда ўсмир дунёга катталар кўзи билан қаравишига интилади, ўзига нисбатан баҳоси ортиб, унга катталардек муносабат билдиришларига эҳтиёж сезади.

Ўсмир ўз ҳаётидан маълум маънода мазмун ахтаради, ўз талабларини атрофдагиларга, аввало, якин инсонларга нисбатан билдира бошлайди. Унинг ички дунёсидағи қарама-қаршиликлар ташки дунёсида, яъни одамлар билан муносабатларида ўз аксини топади. Ҳамиша ўзидан қониқмаслик, ўзига бўлган талаб уни атрофдагилар билан низоли вазиятларга тушиб қолишига сабаб бўлади. Уни ҳар ишда қўллаб-қувватлаб туриш келажакда катта ишлар қилишга бўлган ишончининг ортишига олиб келади. Энг аввало, унга бундай имкониятни беришда оиланинг таъсири бекиёсdir.

Ота-онанинг, аввало, бир-бирларига бўлган муносабатлари, айниқса, фарзанд тарбиясидаги қаравишининг муштараклиги аҳамиятлидир, чунки ота-она бу борада яқдилликка эришмасалар, ўзаро муносабатларнинг бузилишига ва оиланинг парокандаликка юз тутишига, шунингдек, ўз ўрнида, фарзанд кўз ўнгидаги ота-онанинг обруйзланишига олиб келади. Оиладаги ўзаро муносабатлардаги совуклик ва боланинг ички имкониятлари ва қизиқишлари билан хисоблашмаслик, унга ўзлари хоҳлаган ролни бажаришга мажбурлаш, боланинг руҳий ҳолатидаги зўриқишиларга олиб келади. Шу сабаб, ота-оналар беихтиёр – ўзлари билмаган ҳолда, фарзандлари хулқининг бузилишига сабабчи бўлиб қоладилар.

Оиладаги мухитнинг бузилиши боланинг кундалик ҳаётини издан чиқаради ва унга тўсқинлик қиласди. Оилада носоғлом мухитнинг юзага келишига ота-онанинг ўзаро жанжаллари, айниқса, онанинг тинимсиз оила аъзоларига ўз фикрини ўтказишга жон-жаҳ-

ди билан интилиши турмуш ўртогида ва болаларида унга нисбатан бўлган хурмат ва эътиборнинг пасайишига олиб келади. Шуни унутмаслик лозимки, оилада она болаларининг энг яқин ишонган одами бўлмоғи керак. Ўз фикрларини биринчи галда она ёки ота билан ўртоқлашиши ва маслаҳатлар олиши ўсмирда оиласга бўлган хурматни ва меҳрини оширади.

Акс ҳолда, онанинг тинимсиз тергаси, камситиши оқибатида бола оила даврасида бўлишдан ўзини олиб қочади. Болада ҳар доим “Хозир онам менга бақирмасмикин” деган шубҳа ва кўркув ҳукмрон бўлади. Бу эса ўсмирнинг оиладан безишига, ундан узоқлашишига олиб келади. Ўсмир учун кўча кулай муҳит бўлиб туюлади, у кўп вақтини бекорчиликда бесамар ўтказишга одатланади ва оқибатда оғуфурушлик билан шуғулланувчи кимсалар (наркомафия) таъсирига тушиб колади. Демак, боланинг бирор иш билан машғул бўлмаслиги, вақтини кераксиз ишларга сарф қилиши ҳам гиёхвандлик кўчасига кириб қолишга сабаб бўлувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Тезда зарур чораларни кўриш кераклиги, акс ҳолда, касаллик бола ҳаётига қун сайин ҳавф солаётганини билиш, аввало, буни гиёхванд ўсмирнинг ўзи англа бетиши керак. Шуни унутмаслик керакки, жуда оз ҳоллардагина ўсмирнинг ўзи даволанишга аҳд қилган бўлади, кўпинча у даволанишга шунчаки ота-онасининг қистови билан мажбуран рози бўлиши мумкин.

Бундай аянчли аҳволга тушмаслик учун, энг аввало, боланинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатига зимдан разм солиб қараш лозим, яъни ота-она ўзига савол бериб, унинг жавобини ҳам топиши лозим: “Фарзандим ўзгариб қоляпти! Илгари бундай эмас эди-ку! Ғалати ҳаракатлар қилипти!” кабилар муайян асосларга эга бўлишини унутмаслик керак.

Бундай вазиятга йўлиқмаслик учун оиладаги меҳр-оқибат, бирдамлик, яқинларни кўллаб-куватлаш жуда муҳимдир. Ёшларни зарарли одатларга берилиш, жумладан, гиёхвандликка чалинишдан асраш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби эзгу мақсадларга ота-она ва барча катта ёшдаги оила аъзоларининг ҳамкорлиги натижасида эришиш мумкин.

Биз эътиборимизни қаратмоқчи бўлган масала бу оилавий муносабатлар тизимишининг таянч нуқтаси бўлган ота ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлардир.

Шарқ ҳалқарида қадимдан оилани боқиши ва уни ҳар жиҳатдан тамиллашдаги масъулият эркакнинг зиммасида бўлгани учун, табииики, унинг оиладаги мавқеи анча баланд бўлган.

Ота оиланинг ички тартиб-интизомини сақлаш, одоб-ахлоқни

мустаҳкамлаш, оилани турли тажовузлардан мухофаза қилиш, оилани моддий жиҳатдан таъминлаш каби ҳукуқ ва мажбуриятларни зиммасига олиши керак. Шунинг учун ҳам оиланинг бошқа аъзолари оила бошлиги бўлган отага сўзсиз ва тўла бўйсунишлари шарт ҳисобланган.

Осиёнинг деярли барча халқларида бу одат саналиб, жамоатчилик томонидан қўриқланган бўлса, Ислом дини кириб келиши билан мазкур анъана Куръон ва ҳадислар орқали шариат қонунларига киритилди. Лекин шариатда отанинг ҳукуклари билан бирга унинг бурчлари ҳам белгилаб берилдики, бу отанинг бошқа оила аъзоларининг ҳукукларини камситмаслигини тақозо этган.

Ўзбек халқи ота ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши ҳақида бутун бир концепцияга эга бўлган десак, хато бўлмайди.

Дастлаб шариат ҳукми сифатида қабул қилинган қарашлар тизими кейинчалик буюк мутафаккир аждодларимиз томонидан изоҳлар, фикрлар ва йўл-йўриклар тарзида тўлдирилиб борилган. Мазкур қарашлар оғиздан-оғизга кўчиб, анъана ва удумлар шаклида халқимиз хаётидан муҳим ўрин эгаллаган.

Ота ва фарзандлар ўртасида муносабатлардаги ўзбекона анъанага кўра, отанинг қизи ва ўғлига бўлган муносабати жуда катта фарқ килган. Оталар ўғил болага нисбатан, айниқса, ўсмир ёшдаги болаларга нисбатан қаттиқкўлроқ бўлганлар. Ўғиллар яхши гапга кўнмаса, қаттиқ гапирганлар, уларга нисбатан жуда талабчан бўлишган ва зарур вақтида жисмоний жазо ҳам берилган. Аксинча, қиз бола билан муносабатда ота фақат насиҳат билан чекланган. Қиз болани сўкиш, уриш қаттиқ кораланган. Халқ орасида “Қиз болани ота урса, баҳтсиз бўлади” деган нақл бежизга кенг тарқалмаган. Кекса онахонларнинг айтишларича, ота қиз болани ҳеч қачон урмаслиги керак экан. Фақат кичик ёшдаги қизчалар тўполон қилсагина сочиқ билан пўписа қилиш мумкин, “Қиз болага отанинг қўли тегмаслиги керак”².

Умуман, ўзбек миллий тарбия анъаналарига ва мусулмон этикетига кўра, ота ва қиз ўртасидаги муносабатлар оралиги анча катта ва қиз бола балоғатга етган сари бу масофа яна ҳам узоқлашиб борган.

Кекса ёшли кишиларнинг маълумотларига кўра, ота ўз қизи билан қучоклашиб кўришиши мумкин эмас, балки ота қизига елка тутиши ва қизи отасини елкасини тавоғ қилиб сўрашиши мумкин, холос.

Ота ва қиз ўртасидаги муносабатлар жуда чегараланган бўлиб,

² Дала маълумоти, Денов 2009 йил.

фақат кундалик турмуш билан боғлиқ оддий савол-жавобларданғына иборат бўлган. Баъзи нозик масалаларда ота ўз қизи билан фақат онаси орқалигина гаплашган.

Биз ота ва қиз ўргасидаги муносабатлар бугунги кунда юкорида таъкидланганидек бўлиши керак, деган фикрдан йироқмиз. Чунки кишиларнинг бугунги ҳаёт тарзи, расм-руслумлари, урф-одатлари давр тоқазоси билан ўзгариб бормоқда. Бироқ кези келганда қадимий миллий тарбия анъаналарига мурожаат қилиш, баъзи ўринларда улардан фойдаланиш оилада отанинг таъсири ва ўрни ошишига ва натижада фарзандларимиз тарбиясидаги нуқсонларнинг барҳам тошишига хизмат қиласмиди, деган шахсий фикрдамиз холос.

Маълумки, қадимда ўзининг кўй авлодлиги ва серфарзандлиги билан фарқланиб турувчи ўзбек оилаларида бола тарбияси билан оиланинг кекса ёшли аъзолари – боболар, бувилар ва бошқа шу каби қариндошлар шуғулланишган. Бундай ҳолатда, айниқса, катта патриархал оилаларда, отанинг бола билан бўладиган ҳиссий муносабатлари жуда чекланган. Ёш оталарнинг ўз ота-оналари олдида боласини эркалаши, ҳатто кўпчилик бўлган жойларда кўтариб юриши ҳам айб саналган.

Бундай оталар ва болалар ўргасидаги эркин, самимий муносабатларни чекловчи ўта сипо ва жиддий муносабатлар қоидасига жуда кўп ҳалқлар амал қилгандар. Масалан, тоғли Кавказ анъанавий этикетига кўра, ота бегоналар, айниқса, катта ёшдаги кишилар олдида гўдагини эркалаши, у билан ўйнаши, гаплашиши, умуман ўз боласига қандай бўлмасин хис-туйғуларини кўрсатиши мумкин бўлмаган³.

Этнологлар таҳлилига кўра, агар маданиятлараро фарқланишни эътиборга олмаса, барча ҳалқларда ҳам анъанавий патриархал оилаларда ота: а) бокувчи; б) оила бошлиғи ва тартиб-интизом ўрнатувчи; в) тақлидга намуна, кўп ҳолларда оиладан ташқари, ижтимоий меҳнат фаолиятида бевосита тарбиячи сифатида майдонга чиқади.

Бундай муносабатлар Шарқ ҳалқларида анча кучли сакланган. Масалан, япон оиласиний муносабатлар тизимида ҳам отага авторитар роли ажратилгани, у оилада тартибни сақловчи бўлиб, болалари билан кам мулоқотга киришгани ҳакида маълумолар бор⁴.

Ўзбек оиласининг этнопсихологик ҳусусияти оилада отанинг етакчилигини белгилайди. Одатга кўра, унинг иштирокисиз ва рухсатисиз оиласа тегишли бўлган бирон масала ҳал қилинмаслиги ке-

³ Смирнова Я.С. Избегание и процесс его отмирания у народов Северного Кавказа/ Этнический и культурно-бытовые процессы на Кавказе. М., 1978.

⁴ Macarу Ибука. Учдан кейин кеч бўлади. /“Софлом авлод “ № 2, 2002 йил. 37 бет.

рак. Ҳатто ўзлари улгайиб, болалари камолга етган фарзандлар ҳам ўта мухим, катта аҳамиятга молик деб ҳисобланган, айтайлик, қизни турмушга бериш, ўғилни уйлантириш каби масалаларда оталари билан маслаҳатлашганлар.

Шарқ мумомала маданиятига кўра, кишиниг мавқеи унинг ўтирган ўрни билан белгиланади. Шунинг учун ҳам оила бошлиги ва етакчиси бўлган отага уйнинг ва дастурхоннинг тўридан жой ажратилади. Ундан олдин ҳеч ким дастурхонга ва таомга қўл узатмаслиги, у фотиха қилмасдан бурун ҳеч ким туриб кетмаслиги керак.

Оталар, гарчи, бола парваришида қатнашмасалар ҳам, ўғил болалар ота бошчилигида ва иштирокида кўп ишларни бажариб, қўп вакътларини ота билан ўтказганлар. Бу эса намуна сифатида катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган.

Педагог ва психологларнинг хulosасига кўра, бола хулқ-атвори шаклланишида тақлид мухим ўрин тутади. “Тақлид гўдак томонидан борлиқни билишнинг нисбатан характерли жиҳатидир. Тақлид қилиш эса ўсаётган шахснинг асосий ҳусусиятидир”⁵ – деб ёзган эди тадқиқотчи А.Г.Ковалев. Демак, отанинг меҳнат фаолияти тақлид учун намуна бўлган.

Оналар бола тарбиясида отанинг обрўсидан фойдаланишган. Агар ота фарзандини, асосан, ўғлини бирон ножўя иши учун жазоласа, онанинг аралашиши мумкин бўлмаган. Психологларнинг аниқлашларича, бу хатти-ҳаракат катта педагогик аҳамиятга эга. Чunksи, агар ота фарзандини жазолаганда она уни химоя қилса, болада ўз хулқ-атвори, хатоларига танқидий қараш шаклланмайди. Ўзини асоссиз жазоланган ҳисоблайди ва бора-бора ота-онасини писанд қилмай қўяди⁶.

Оилада отанинг обрўси, аввало, уни аёли қанчалик ҳурмат қилишига боғлиқ, чunksи ўзи эрини ҳурмат қилмаган она болаларини отасига ҳурмат руҳида тарбиялай олмайди.

Собиқ шўролар тузуми даврида ўзбеклардаги ота бошчилигига асосланган муносабатлар тизими “феодал муносабатлар қолдиги” сифатида қораланиб, “Хотин-кизлар teng ҳуқуқлиги” шиори остида совет турмуш тарзи тарғиб қилиниб, миллий анъаналаримизга қанча тош отилишига қарамай, ўзбек халқи ота ва фарзанд ўргасида ги муносабатларда ўз анъаналарини сақлаб келди. Лекин аёлларни ҳам ишлаб пул топишга мажбур қилувчи бозор иқтисодиёти шароити, Ғарб турмуш тарзини кўз-кўз қилаётган кинофильмлар ва ахбо-

⁵ Ковалев А.Г. О стадиях подражательной деятельности ребенка//Вопросы психологии личности.М.,1960. 146 бет.

⁶ Шоумаров Ф.Б., Шоумаров Ш.Б. Мұхаббат ва оила. Т.:“Ибн Сино” 1994. 67 б

рот эркинлиги каби омиллар мазкур муносабатлар тизимиға салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг таъсири ўлароқ, ҳозир ўзбек оиласарида ҳам ота авторитетининг тушиб, она таъсири кучайиб бораётганинги кузатиш мумкин. Бу ҳолнинг қишлоқларда ҳам юз бераётганига сабаб тирикчилик юкини оналар кўтараётганидир.

Умуман, ҳозирги пайтда оталарнинг ўрни ва функциялари ҳақида ги тасаввурлар кўп замонавий жамиятларда қуидагича ифодаланади:

1. Отасиз оиласарнинг кўпайиши ва оталарнинг уйда бўлишининг камайиб бориши;
2. Оналарга нисбатан оталар ва болалар ўртасидаги алоқанинг камлиги;
3. Оталарнинг педагогик тажрибасизлиги, билимсизлиги;
4. Оталарнинг тарбиявий функцияларни бажаришга лаёқатсизлиги.

Кейинги йилларда кўп давлатларда отасиз ўсаётган болалар сони тобора ортиб бораётгани кузатилмоқда. Масалан, 80-йиллардаги маълумотларга кўра, Собиқ Иттифоқ миқёсида ҳам барча болаларнинг ҳар беш нафардан бири отасиз бўлган⁷.

Замонавий шаҳар оиласарида аёллар тенг ҳукуклилиги ва уларнинг профессионал ишларга жалб қилиниши, отанинг баланд мартабасини назарда тутмайдиган оиласий турмуш ва ишлаб чиқариш ҳамда турмушдан ажрашиш каби омиллар таъсирида анъанавий оталик қадрияти пасаймоқда.

Психологларнинг нуқтаи назарларига кўра, оиласда ота ҳокими-ятининг кучсизланиши бу катта ижтимоий заарадир, чунки оталик билан бирга ҳокимиятнинг барча ички ва ташқи структураси, ўзини идора қила билиш ва мукаммал интизомга бўлган интилиш ҳам кўпорилади.

Ота бўлмаган оиласарда моддий қийинчиликлардан ташқари оила ичидаги мулокот доираси ҳам тор бўлади. Эркакларнинг маънавий кўллаб-куvvatлашларига муҳтож бўлган аёллар – оналар, кўпинча руҳан шикаста бўладилар, бу ҳол эса уларнинг болалар билан бўлган муносабатларida акс этади.

Илгари фарзандлар ота билан бирга ишлагани ҳақида гапирав эдик, энди эса ахвол ўзгарди. Ҳозир шаҳар жойларда болалар оталарининг қандай ишлаётганини кўрмайди, оталар уйда ҳам жуда кам бўладилар. Бу ҳол қишлоқларга ҳам хос жиҳат бўлиб бормоқда. Кўп оталар оиласи моддий таъминлаш илинжида бошқа шаҳарларга, баъзида узок юртларга кетадилар. Фарзандлар оталарини ойлаб,

⁷ Городская и сельская семья. М., 1987. 68 бет

гохида йиллаб күрмайдилар.

Ўзбек оиласында олиб борилган тадқиқотлар, оталарнинг бола тарбиясига 8 дақиқа вақт ажратгандарини кўрсатган⁸. Ҳозирги ахвол эса ундан ҳам ёмонроқ.

Психологик ва социологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, оиласда отанинг йўқлиги болалар рухиятига салбий таъсири кўрсатади. Бу ҳолат, айниқса, ўғил болаларда кучли сезилади. Бундай болаларнинг мактабда ўзлаштиришлари яхши бўлмайди, уларда ўз-ўзини хурмат килиш туйғуси етарли шаклланмайди, улар ўз тенгкурлари билан эркин муносабатга кириша олмайдилар ва бундай болаларда эркакларга хос ролни ўзлаштириш ҳам қийин кечади⁹. Чунки, она намунаси, асосан, қиз бола учун, ота намунаси эса ўғил бола учун ўрнак бўлиши аллақачон исботланган.

Оиласда эркакларнинг таъсирини, шу жумладан, ота авторитетини хис құлмаган ўғил болалар бу кемтик жойни бошқа ердан тўлдиришлари қийин. Тўғри, ўтган асрнинг 70-80 йилларида Собиқ Иттифоқ мактаб ўқитувчиларининг 73 фойзини аёллар ташкил этган бўлса-да,¹⁰ ўзбек мактаблари ўқитувчиларининг асосий қисми эркаклардан иборат эди. Энди эса аксинча: ўрта мактабларнинг ўқитувчилар жамоаси асосан аёллардан иборат.

Кузатишларга қараганда, ота ва фарзандлар ўргасидаги муносабатларда ҳам, гарчи, миллийлик сақланган бўлса-да, лекин анъаналардан маълум бир чекиниш кўзга ташланади. Илгари бирон маърака ёки маросимда ота кириб ўтирган бўлса, шу уйга ўғилнинг кириши мумкин бўлмаган ёки ота ўтирган уйнинг томига чиқиш хурматсизлик саналган. Ҳозиргача ёши 50-60лардаги қўпчилик инсонлар бу одатларга амал қилсалар-да, лекин ёшлар учун ушбу удумларимиз борган сари унут бўлиб бормоқда.

Анъанавий муносабатлар тизимидағи ўзгаришлар, айниқса, ота ва қиз ўргасидаги муносабатларда яққол кўзга ташланади. Бу муносабатларда анча яқинлик, илиқлик ва самимилик пайдо бўлган бўлса-да, баъзида ўзбекларга хос бўлмаган салбий ҳолатлар ҳам учраб туради. Бу Европа турмуш тарзини тарғиб қилишнинг оқибати, албатта. Лекин европалик тадқиқотчиларнинг ўзлари ҳам оиласда отанинг хукмонлиги кераклигини тан олишган. Масалан, Ж.Барро, М.Орэзон ва Ж.Рошфорларнинг фикрича, “Отанинг оиласдаги мавжудлиги, аввало, уни психологик жиҳатдан кераклиги билан белгиланади, бу гўдакнинг “отанинг қаттиқўл хукмонлигига” бўлган

⁸ М. Куронов “Ўзбек характери ва миллий foя”, Т., 2005. 67 бет.

⁹ 11. Кон И.С. Ребенок и общество. М., 1988. 239 бет

¹⁰ 12. СССР в цифрах в 1984 году. М., 1985. 7 бет.

инстинктив эхтиёжида намоён бўлади”¹¹. Аммо қаттиққўлликда ҳам меъёр бўлиши ва у ўз ўрнида ишлатилиши керак. Акс ҳолда, ўта қаттиққўллик ва кўр-кўронга итоаткорлик билан тарбияланган болалар мустақил фикрлай олмайдиган, журъатсиз шахс бўлиб шакланадилар.

Хулоса шуки, ўзбекларнинг ота ва фарзандлар ўргасидаги анъанавий муносабатлар тизими педагогик, психологик жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга бўлгани, шубҳасиз, бизнинг вазифамиз эса шу анъаналарни саклаб қолиш ва ўрганишdir.

Фарзанднинг ота-она олдидаги одоблари шундайки, фарзанд ота-она нима деса, дикқат билан қулоқ солади. Уларнинг олдига тушиб юрмайди, нимаики буюрсалар ва буюрган нарсаларида хиёнат ва гуноҳ иш бўлмаса, жону дили билан бажаради, улар ўтирган жойларидан турсалар, иргиб оёққа туришади, чақирсалар, “лаббай” деб жавоб беради, уларни хурсанд қилишга орзуманд бўлади, қилган ишларини миннат қилмайди, ота-онанинг қилган иши учун аччиқланиб, уларга хўмрайиб қарамайди, улар олдида “үф” тортмайди, уларнинг рухсатисиз сафарга чиқмайди.

Фарзандларимиз тинч ва файзли умр кечиришлари учун уларга отани хурмат қилиш, ота ризолигига эришиш йўлларидан сабоқ берайлик. Зеро, ҳаётнинг азалий фалсафаси шуни тақозо этади.

Китобларда қайд этилишича, ота-онанинг фарзандида саксонта хаққи бор экан. Уларнинг кирқтаси тириклик вақтида ва қолган кирқтаси ўлгандан кейиндир. Тириклик чоғидаги кирқта хақнинг ўнтаси танга, ўнтаси дилга, ўнтаси тилга ва ўнтаси молга тааллукли бўларкан.

Танга тааллукли бўлган ўнта хақ ота-онага хизмат қилишдан иборатdir. Бу шундан иборатки, ота-онага доимо хурмат кўзи билан қаралади, “қилма” деган ишлари қилинмайди, уларнинг розилигисиз ҳеч ишга қўл урилмайди. Бундан ташқари, агар улар сен ўтирган жойда ҳозир бўлсалар, сен дархол ўрнингдан туриб кутиб оласан, улар ўтирасалар, сен оёқда тик турасан, агар улар рухсат қилишгандагина ўтирасан. Улар ўтирадиган жойга асло ўтирмайсан. Йўлда бирга кетаётганингда уларнинг олдига ўтиб олмайсан. Борди-ю тупроқли, лойли, сувли ёки умуман хавфга дуч келиб қолганингдагина уларни муҳофаза қилиш максадида олдинга ўтишинг мумкин. Уларнинг олдида очиқ чехра билан ўтиргайсан, қовоғингни солма, тумшайиб қарама. Чакирганларида эса, югуриб бор.

Дилга таълуқли бўлган ўн нарса шундан иборат эканки:

¹¹ Oraison M., Baréan J. C., Rochefort J. Les enfants prodiges. Paris, 1962. P. 158 .

- уларга раҳму шафқат билан қараш лозимдир;
- уларга доимо қўлингдан келганча яхшилик қилиш керак;
- сенинг шодлигинг уларнинг хурсандчилиги билан бўлсин;
- улар ғам тортсалар, сен ҳам қайғур ва уларнинг дардларига малҳам бўлиш йўлини қидир;
- улар ортиқча гапирсалар, ўзингга малол олма;
- улар танбех берсалар, ҳафа бўлиш ўрнига хурсанд бўл;
- уларга қанчалик яхшилик қилмагин, уларнинг диллари заррача озор топишини ўзинг учун ор деб бил;
- уларнинг қандай ниятлари бўлса, ўша ниятларига эришишлари учун ҳаракат қил;
- улар қанчалик узоқ умр кўрсалар, шунчалик қувон;
- қанчалик дардли бўлсалар, шунчалик кўнгилларини олишга урингтайсан.

Тилга тааллуқли бўлган ўн нарса шундан иборатки:

- аввало, уларга яхши муомала қил ва доимо тавозеда бўл;
- уларга баланд овоз билан гапирма;
- уларга кўп гапирма ва кўполлик қилма;
- уларнинг отини айтиб чақирма;
- улар гапираётганда гапини бўлма;
- уларнинг айтганларини рад қилма;
- улар “фалон ишни қил”, деб айтсалар ёки “қилма”, деб айтсалар, “йўқ”, деб жавоб қилма;
- улар қичкириб гапирсалар ҳам, сен қичкириб гапирма;
- уларнинг гапларига “оҳ”, “уф”, деб ҳитоб қилма;
- уларнинг гапларида хато бўлса, сеники тўғри бўлса ҳам, эътиroz билдирма.

Моддиётта тааллуқли бўлган нарсалар қуйидагилар:

- аввало, ўзингга кийим-кечак қилишдан олдин ота-онангта қилиб берасан;
- уларга ўзинг еган таомдан ҳам ширинроқ таом таёrlаб берасан;
- бир дастурхон устида овқатланаётган овқатларнинг яхшисими улар олдига сурниб қўясан. Ҳикоят: *Ханнон ибн Атийя ўз онаси билан бирга бир дастурхон устида мева-чева ейишига қўрқар экан. У доимо: “Онамнинг кўзлари тушган, энди емоқчи бўлиб турган мевасини билмасдан еб қўйсам, онамнинг кўнгилларига бирор нарса келса, унда мен гуноҳкор бўлиб қолсам, шундан қўрқаман”*, - дер эканлар;
- қандай нарсани сотиб олиш орзулари бўлса, сотиб олиб бер, чунки сен ёш бўлган пайтингда улар ҳам шундай қилишган;

- иморатларини яхшилаб ва уни жиҳозлаб бер;
- сўрамасалар ҳам пул бер, чунки буни улар ошкора айта олмайдилар;
- уларга “топган-тутган нарсаларим сиз учун, нимаики хоҳласангиз олаверинг, ҳаммасини ўзингизнидек кўринг” деган гап билан орадаги шарм ва тортичоқликни йўқот;
- агар улардан узокроқда турилса, гоҳ-гоҳ меҳмонга таклиф қилиб, иззат-хурматларини жойига қўйиш керак;
- ота-онангнинг дўстларини ҳам хурмат кил, уларни ота-онанг билан бирга уйингта таклиф қилиб, меҳмон қил, бу билан ота-онангни олдида юзингни ёруғ қилган бўласан.

Ота-она ўлгандан кейин қилиниши лозим бўлган қирқта ҳақ-хукуқка куйидагилар киради: аввало, ўликни зудлик билан дафн қилиши чораларини кўр, ўликнинг иззати уни тезда дафн қилиши дир. Кўмишдан олдин жасадни ювишни ва кафанлашни унутма. Ўзинг оҳу фифон қилиб йиғлама ва ўзгаларни йиғлашга қўйма. Отана дафн қилинганидан сўнг уларнинг зиёратига чиқишини одат қилсанг, улуғ кишилар йўлини тутган бўласан. Ўзгаларнинг ота-оналарини ёмон сўзлар билан ёдга олма, улар ҳам сенинг ота-онангни шундай ёдга оладилар¹².

Қадимдан қизлар тарбияси, уларни эъзозлаш, уларга ўзгача меҳр билан қараш халқимизнинг олий фазилати бўлган.

Шариатда қизини турмушга чиқариб, ундан алоқасини узган ота ҳақиқий ота хисобланмаган. Ҳақиқий ота қиз фарзандини ҳам астойдил тарбиялайди, ҳам турмушга беради, ҳам кейинчалик унга меҳрибонлигини кўрсатиб туради. Фарзандини, авлоди қадри-қимматини билмаган, авлодига муҳаббати бўлмаган, авлодини ёмон йўлдан қайтармаган, тўғри йўлга бошламаган ота ҳақиқий, чин мусулмон эмас, дейилади.

Шунинг учун ҳам Ҳадиси Шарифда ҳар кимки уч қиз фарзанд ўстириб, уларни турмушга бериб, уларга яхшилик қилишини давом эттираса, ул кимса жаннатидир, дейилган.

Мана шундай ўйтитлар билан ўстирилган қизларимиз ибо-ҳаёли, андишали бўлишган. Улар ота, ака-ука ва эрларнинг хурматидида бўлишган.

Ўзбек оиласарида қадимдан анъанавий тарзда ва асосан эркакнинг ўрни аҳамиятли эканлиги эътироф этилади, чунки эркак оила бошлиги ва халоскори сифатида юқорида таъкидланганидек, оиласаги бурчи ва масъулиятини тўлиқ хис қилган ҳолда, имкон доира-

¹² Курони карим оятлари ва кўл ёзмалардан фойдаланилди.

сида уни бажариши шарт бўлган. Оиладаги оғир ишларни бажариш, муаммоларни ҳал этиши оталар зиммасига юкланган. Оилани моддий томондан таъминлаш, турмуш ўртоги ва фарзандларининг нафақат таъминоти учун, балки юриш-туриши, одоби ва бошқа тарбиявий жиҳатларига масъуллик ҳам эркакнинг вазифаси саналган. Эркакнинг табиатан берилган, асрлар давомида шаклланган одоб қоидаларига риоя этиши унинг оиладаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган, фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир этиб, оиладаги анъаналар ва қадриятларнинг авлоддан-авлодга ўтишида муҳим омил ҳисобланган.

“Ота матонати – фарзандлар учун жасорат сабоги” деган хикмат замираиди чуқур маъно бор. Азалдан эркак киши Ватан ҳимоячиси, оила қўргони, айниқса, ўғиллар учун мардлик ва жасорат на-мунаси бўлиб келган.

ОТАНИНГ ФАРЗАНД ОЛДИДАГИ ФАРЗИ

Мусулмонлар халифаси Хорун ар-Рашид ҳалқ ҳаётини ўрганиш учун факирона кийиниб, ҳайвон бозорини айланиб юрса, бир қассоб бир қўйнинг баҳосини сўрабди. Сотувчи “20 танга” деганини эшитиб, қассоб “Қўйингизнинг 14 кило гўшти, 4,5 кило ёғи бор. Унинг нархи 15 танга холос”, дебди ва қўйни олмай кетибди. Халифа навкарларидан бирига қўйни сотиб олишни, иккинчисига қассоб ортидан боришни буюрибди. Бозордан қайтгач, ўша қўйни сўйиншибди ва қассоб айтганидек, 14 кило гўшт ва 4,5 кило ёғ чиққанини кўришибди. Қассобни топиб келишибди ва унга яна икки қўчкорни кўрсатиб, қанча гўшт ва ёғ борлигини сўрашибди. Қўчкорлар сўйилганидан сўнг қассоб айтган миқдорда ёғ-гўшт чиқибди. Халифа қойил қолибди ҳамда ундан дунёвий ва ухравий илмлардан сўрабди. Афсус, бу соҳада қассобнинг илми йўқ эди. Шунда халифа дебди:

– Эй қассобзода! Наҳот, ҳаётни фақат қассобчиликдан иборат, деб тушунсанг? Қани сенда давлатингга муҳаббат, ҳалқингга муҳаббат? Наҳот, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бормасанг?

Халифа жар солдириб, эълон қилибди:

– Бу қассоб шунча зеҳни, шунча илми бўла туриб, ё дунёвий, ё ухравий илм олмагани, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормагани учун бошқаларга ибрат бўлсин деб келгуси жума куни уни остираман.

Ҳамма бу хукмдан рози бўлиб, унинг одиллигини тан олишибди.

Эртаси куни халифа қабулига икки ёш йигитча кириб келибди.

Халифа уларнинг хулқу ахлоқини кўриб, ичидা “Фарзандинг бўлса, шундай бўлсин” – деб қўйибди. Йигитлар халифадан гапиришга изн сўрашибди ва рухсатдан сўнг дейишибди:

– Эй шаҳаншоҳ! Аввало, бизнинг бир қошиқ қонимиздан кечинг. Биз ўлимга ҳукм қилинган қассобнинг ўғилларимиз. Отамиздан сўралган саволларни биздан сўрасангиз.

Халифа болаларни узоқ саволга тутиб, улардаги илму етукликни сезиб, кучлироқ олим кишиларни чорлаб, илм мажлиси ўтказибди ҳамда болаларнинг зехни ва илмига қойил қолибди ва дебди:

– Сизларга тасанно, лекин отангизга чиқарилган ҳукм ҳаммага маъкул келган ва кўпчиликка ибратdir.

Шунда қассобнинг катта ўғли:

– Эй муҳтарам жамоа! Бола–лой, ота ва она – кулол эмасми? Бола онадан ўғри, қотил ёки ёлғончи бўлиб туғилмайди-ку. Уни тарбияловчи ота-она ва ташқи муҳитдир. Отамизга чиқарган ҳукмни отамизга эмас, унинг отасига чиқариш керак эди. Отамиз ўзи илмиз бўлса ҳам, бизни шунчалик илмли, маърифатли бўлишимизга шароит яратди. Отамиз таҳсинга лойикдир, - деди.

Халифа узоқ сукут саклади ва деди:

– Эй вазир, сен энди истеъфога чиқ. Шу бола менга вазир бўлсин. Эй жаллод, қассобни олиб кел, устига зарбоф тўн ёп, бу элга ибрат бўлсин. Чунки бизнинг келажагимиз – фарзандларимиз. Бола тарбияланганлиги, олижаноблиги учун қассоб шунга лойикдир. Қассобнинг отаси тирик бўлса, олиб келинг, ўлган бўлса, гўри устига ўттиз дарра уринг! Чунки шу қассоб ҳам ёшлигига истеъоддли бўлган, отаси эса унга қассоблиқдан бошқа нарсани ўргатмаган.

Дунёвий ва ухравий илм изламок – туғилгандан то лаҳадга боргунча фарз. Ўз маънавиятимиз ва миллий ғуруримизни ўзимиз кўтарайлик. Бизнинг ҳам гўримиз устига дарра тушишидан Аллоҳ асрасин.

ОТА – ОИЛА УСТУНИ

Инсон боласи тўла шаклланган феъл-атвор, ахлоқий хусусиятлар билан дунёга келмаслиги маълум. Унга хос фазилатлар, ахлоқий меъёрлар ижтимоий ҳаёт ва оиласи тарбия маҳсули сифатида шаклланади. Айрим ёшларнинг турли ёвуз гуруҳлар таъсирига тушиб қолишлари, жиноятчилик, гиёҳвандлик каби ғайриахлоқий ишларга ружу қўйишларига сабаб нима?

Кўпинча бу саволга жавобни ташқаридан қидирамиз, ваҳолан-

ки, буболар ўгити, момолар эртаги, она меҳри ва ота ибрати орқали қон-қонимизга сингади. Ўзбек оилаларида қадимдан анъанавий тарзда ва асосан эркакнинг ўрни аҳамиятли эканлиги эътироф этилади, чунки эркак оила бошлиғи ва ҳалоскори сифатидаги бурч ва масъулиятни тўлиқ ҳис қилган ҳолда, имкон доирасида уни бажариши шарт бўлган.

Оиладаги оғир ишларни бажариш, муаммоларни ҳал этиш оталар зиммасига юкланди. Оилани моддий томондан таъминлаш, турмуш ўртоғи ва фарзандларининг нафақат таъминоти учун, балки юриш-туриши, одоби ва бошқа тарбиявий жиҳатларига масъуллик ҳам эркакнинг вазифаси саналади. Эркакнинг табиатан берилган, асрлар давомида шаклланган одоб қоидаларига риоя этиши унинг оиладаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қиласди, фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир этиб, оиладаги анъаналар ва қадриятларнинг авлоддан-авлодга ўтишида муҳим омил ҳисобланади.

Республикамизда тобора оилаларнинг ижтимоий аҳамияти ортиб бормоқда. Оилаларнинг моддий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш асосида болалар тарбияси учун жавобгарликни кучайтириш жараёни тезлашганини кузатиш мумкин. Биз учун эса оила мустаҳкамлигини таъминловчи аҳлоқий, руҳий алоқалар жуда муҳим.

Оилавий тарбия деганда, ота-оналарнинг ўз ҳаётлари, турмуш тарзи асосида бола шахсида дунёқараш асослари, сиёсий, аҳлоқий, эстетик ва бошқа ижтимоий омилларни шакллантириш мақсадида мунтазам ва изчил гоявий-маънавий таъсир кўрсатиш жараёни тушиунилади.

Ҳаётда барча оилалар тарбияси учун мансуб умумий шакл топиш мумкин эмас, лекин тарбия хусусида тўплланган тажрибалар асосида оиланинг умумий хусусиятларидан келиб чиқиб, келажакда кутилиши мумкин бўлган тарбия натижаларини ҳисобга олган ҳолда, бир неча омиллар ҳақида сўз айтиш мумкин. Масалан, оилавий тарбия самараదорлигини оширишда оила аъзолари, болалар шахсини руҳий ва жисмоний камолотга етказиш учун уни ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, оилавий тарбия усуслари ва шаклларига ижодий ёндашиш, уни такомиллаштириш. Ота-оналар ўртасида оила хусусида ва тарбияга оид билимларни тарғиб қилиш лозим.

Оилавий турмушда ва оилавий тарбияда ижобий ютуқларни кўлга киритган ота-оналарнинг тажрибаларидан фойдаланиш ва бунда уларни маҳалла, мактабнинг кенгайтирилган мажлисларига таклиф этиш орқали ўз тажрибалари билан ўртоқлашишини йўлга кўйиш нихоятда муҳим.

Маҳалла қўмиталари, мактаблардаги ота-оналар қўмитала-

ри ҳамкорлигига замонавий радиоалоқалар ташкил этиш, бунда “Оила–фаровонлиги мезони”, “Ёшларни меҳнатга, ҳаётга, турмушга тайёрлашда оиланинг ўрни”, “Фарзандлар руҳий камолотида оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги” каби мавзуларда эшилтиришлар тайёрлаш муҳим ҳисобланади.

ЭР-ЙИГИТНИНГ ЭНГ ШАРАФЛИ ВАЗИФАСИ

Яқинда бекатда транспорт кутиб турганимда, ногаҳон бир гурӯх ўсмири йигитларнинг сұхбати қулогимга чалиниб қолди. Улардан бири ўртоқларига:

– Мана кўрасанлар, шарт бойлаймиз! .Ф. исмли қизни ҳам кечаси учрашувга олиб чиқа оламан. Қўлимдан келади. Ишонмасанглар, бу гал ҳам кузатинглар, йигит эмасман, агар чиқара олмасам, дея мақтанарди. Қолган йигитлар эса хурсанд бўлишиб, қўллаб-куватлашарди.

Беихтиёр ўйга толаман. Бу бўй йигитлар қайси қиз ҳақида, қайси юртдошимизнинг азиз дилбанди ҳақида сўз юритаяпти? Балки, у қизларимиз қайсиdir маънода ҳимоясиздир, аммо “номус ҳимоячиси” дея таъриф этилган йигитларимиз уларнинг қадрқимматини топтаб, яна очиқчасига кўз-кўз қилиб турган бўлса, бу фожия эмасми ахир??

Сир эмас, ҳар биримиз ёшлар ўртасида турли нохуш воқеаларни эшитиб турамиз. Нега ёшларимиз бундай номаъкул ишларни қиласяпти? Наҳотки, уларнинг бобо-бувилари, ота-онаси, акалари ёки тарбиясида масъул бўлган шахслар томонидан уларнинг онгтига сингадиган даражада уқтириб қўйилмаган, навниҳолдек “эгилувчанлик” даврида кулоқларига таъсир қилинмаган бўлса? Атрофдаги аёллар, қизлар уларнинг опа-синглиси ёки онаси ўрнида эканлигини ҳис қилишмаса? Ахир, уларнинг зиммасидаги йигитлик бурчи қачон шаклланади?

Оила, жамият ор-номуси, хотин-қизларнинг иффат-ибоси, ҳимояси каби ҳис-туйғулар қалбини ларзага солмаган, қулоқлари ота-боболар, ҳақиқий эр-йигитлар ўйтларини эшитиш имкони насиб қилмаган йигитларимизга куйидаги сўзларни қайта-қайта етказишини истар эдик:

Қадимда маҳаллаларда бокувчиси (эркаги)дан айрилган хонадон аёллари ўzlари кўчага чиқмасдан, эшик олдига чепак, арқон каби кундалик рўзгор учун зуур бўлиб қолган нарсаларнинг тегишли буюмларини чиқариб қўйишган. Уларни ҳимоялаш, шаънини асраш маҳаллада яшовчи ҳар бир эр-йигитнинг бурчи,

ғуури хисобланган. Эшик олдидаги буюмларга кўзи тушган ҳар бир йўловчи, ҳеч иккиланмай, сидқидилдан челакни сувга, арқонни ўтинга тўлдириб, эшикнинг олдига кўйиб кетган.

Орамизда химматли, ор–номусли, оиласи, ахли аёли, фарзандлари ғууруни, жамият ва миллат ғуури билан асраршни ўз мұқаддас бурчи, деб билгувчи йигитларимиз бисёр. Аммо, атрофимизда бўлаётган кишини ташвишга солувчи баъзи ҳодисалар ҳар бир ватандошимизни ҳушёрликка чорлашини истар эдик.

Эр-йигитлик унвони ҳақида сўз:

– Оила шаъни, ор–номуси, Ватан ҳимояси, халқ хизмати эркакнинг жамият олдидаги энг шарафли вазифасидир.

– Эркаги бор оила – устуну бут, пойдевори мустаҳкам қалъадир.

– Эр, одатда, оиланинг кўргони, Ватан ҳимоячиси, фарзандлар учун қаҳрамонлик ва мардлик тимсолидир.

– Улар бу ҳаётда заковатли қози бўлмоқликлари ва ҳамма ишни адолатли ҳал қилмоқлари лозим.

– Оилада гўзал муомалада бўлмоқ ҳам миллий, ҳам диний қадриятларимиз талабидир.

Эркак киши оила қургач, қуйидаги уч нарсани уддалаши шарт:

1. Оиланинг моддий эҳтиёжини таъминлаш;

2. Оиланинг маънавий эҳтиёжини таъминлаш;

3. Оилада фарзанд тарбиясини йўлга қўйиш.

Кейинги йилларда кузатилаётган аёлларимизнинг бозормабозор юриши, муккасидан кетиб ишлаётганилиги, албатта, бу бежизга эмас. Қайси оқила аёл эри топиб келса, уйда болалари тарбияси билан шуғулланиб ўтиришни хоҳламайди, дейсиз?

Ҳа, оналиқ – мұқаддас, бетакрор туйғу. Онанинг ўрни ва масъулияти юксак, лекин фарзанд тарбиясида ота ҳам худди шундай масъулдир. Минг афсуски, кейинги йилларда айрим оилаларда отанинг ўрни пасайиб бораётгани кузатилмоқда. Назаримизда, бунга уларнинг ўзлари айбдорга ўхшайди. Чунки, тайинли бир жойда ишламаслик, ичкиликка ружу қўйиш, ҳар хил “тап-гаштаклар”, осон ва енгил яшашга интилиш эркаклар мавқеини, таъсир кучини туширмайди, деб ким айта олади?

Шу ўринда, бир мушоҳада юритиб кўрсак. Ишламасдан уйда ёнбошлаб ётган ота кимга ҳам таъсир эта оларди? Маст бўлиб, идиш-товоқ синдирадиган, аёlinи урадиган, ҳатто ўз отаси-ю, онасини ҳақоратлайдиган оталардан бола нимани ўрганади? Жон куйидириб ишлаш, моддий бойликлар яратиш ўрнига кимларнидир алдаш, беҳаёлик кўчасига кириш хаёли билан яшайдиган оталарда тарбиячилик салоҳияти бўлмайди. Отанинг ойлаб фарзандлари

тарбияси билан шугулланмаслиги, шакланаётган шахсга намуна бўла олмаслиги, табиийки, бора-бора унинг мавқеини пасайтиради. Ичкиликка ружу қўйган, дарбадар отани фарзандлари қўл учидаги кўрсатишади. Унинг аёли эса рўзгор тебратиш учун тиним билмай ишлаш, бозорма-бозор юриб, пул топиш пайига тушади.

Психолог-педагогларнинг таъкидлашларича, болага хулқ-автор кўпроқ онадан, характер отадан, қиёфа ҳар икки томондан ўтар экан. Тарбияда ота мавқеининг пасайиши кўпинча салбий характерга эга бўлган, мужмал, ланж шахсларнинг шаклланишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч.-Т.: Ўзбекистон, 2008.- 176 б.
2. Авлоний А.Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., 1997
3. Алешина Ю.Е. Индивидуальное и семейное консультирование. –М., 2004.
4. Акрамова Ф.А. Оиласда соглом психологик мухитни таркиб топтиришнинг ижтимоий-психологик асослари. Ўкув-услубий қўлланма.Т., 2014. 185 б.
5. Гришанин А.К. Актуальные вопросы современной генетики. Учебная программа. – Дубна, 2009.
6. Давлетшин М.Г., Шоумаров Ф.Б. Замонавий ўзбек оиласи ва унинг психологик хусусиятлари /Ўзбек оиласининг этнопсихологик хусусиятлари. Илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1993. – Б. 5-11.
7. Йўлдошев М. Оиласдаги руҳий мухит ва унинг тарбияга таъсири. Т.: 2004. 99 б.
8. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари: (Уч жилдлик сайланма). – Тошкент, 1994. II-жилд.
9. Расулова З. Замонавий ўзбекларнинг оила-никоҳ муносабатлари. – Тошкент, 2013.
10. 9. Современный мужчина против хомяка: кто более мужественный? // <http://www.inopressa.ru>
11. Фрейд З. Введение в психоанализ: Лекции. – М., 1991.
12. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: Ўқитувчи, 1968. – 136 б.
13. Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. Т.: Мехнат, 1991. – 60 б.
14. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. –Тошкент: Маънавият, 1998.123 б.
15. Оила психологияси: Академик лицей ва касб-хунар колледжлари ўқувчилари учун ўкув қўлланма. / Ф.Б. Шоумаров таҳрири остида. – Тошкент: “Шарқ”, 2008. – 296 б.
16. Шоумаров F. ва бошқалар. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. Услубий қўлланма. Т.: 2014, 312 б.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Отанинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни.....	4
Отанинг ўғил бола тарбиясидаги ўрни.....	13
Отанинг фарзандлар билан ўзаро муносабати.....	17
Отанинг фарзандлари олдидағи фарзи.....	28
Ота – оила устуни.....	29
Эр-йигитнинг энг шарафли вазифаси.....	31
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	34

**ДИЛОРОМ ТАШМУХАМЕДОВА,
БАХРИДИН УМАРОВ**

ОТА – ОИЛА УСТУНИ

*(Оиласа отанинг фарзандлар тарбиясига
таъсири ва улар ўртасидаги
ўзаро муносабатлар психологияси)*

Илмий-услубий қўлланма

Масъул муҳаррир: *Шуҳрат Деҳқонов*
Бадиий раҳбар: *Замира Билолова*
Мусаххих: *Даврон Мансуров*
Дизайнер: *Валерий Кокшаров*
Сахифаловчи: *Ислом Якубов*

“TASVIR NASHRIYOT UYI” МЧЖ
Нашриёт лицензияси: AI № 292. 23.02.2017 й.

Босишга рұхсат этилди 09.09.2019.
Бичими 84x108_{1/32}. Times New Roman гарнитураси.
Офсет босма. Босма табоги 2,25.
Нашриёт босма табоги 1,75. Адади 10 000 нұсха.
Буюртма раками _____. Баҳоси келишилган нархда.

«KOLOR PAK» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8.
Тел.: +998 71 230 27 73, +998 71 230 27 74